



Ўрта асрларда жодугарларни ов қилиш оқибатида юз мингга яқин европалик аёл ўтда ёқилган. Дастлаб уларни черков таъкиб қилган. Кейин бу ишга давлат ҳам қўшилган. Охир-оқибат иш назорат ҳам қилиб бўлмайдиган «халқ ташаббускорлари» қўлига тушган. Бунда кўп жихатдан целибат – рухонийларнинг уйланмаслик ҳақида аҳди айбдор бўлган.

ИНКВИЗИЦИЯ МИЖОЗЛАРНИ АЛМАШТИРМОҚДА

Муқаддас инквизиция ёки шартли равишда, католик трибунал 1215 йил Папа Иннокентий III томонидан бидъатчиларга қарши қурашиш учун ташкил этилган. Бир асрдан ошқиб вақт мобайнида, "таъсис ҳужжатлари" да белгиланганидек, инквизиторлар католик таълимотининг нозик «биноси»ни силқитишга ҳаракат қиладиган албигойлар, қатарлар, манихейлар, валденслар ва бошқа эркин фикрловчиларга жиддий қурашган.

Бирок XIV аср бошларида инквизиция жодугарлар масаласига қизиқиб қолди. Бу қизиқиш борган сари ўсиб борди ва шу даражага етдики, жодугарларга овни «аёллар ҳолоқоти» деб аташ ҳам мумкин.

Социологлар эътиборни бидъатчилардан жодугарларга қаратишнинг бир нечта механизми ҳақида баҳс юритадилар. Лекин, асосий сабаб бу – нафакат католик роҳиблар, балки барча рухонийлар учун целибат ҳисобланади.

Албатта, кўпчилик бу аҳдга риоя қилмасдан, гуноҳга ботиб яшарди. Лекин католик рухонийларнинг аксарият қисми организмни тийилиб туришга мажбур қиларди. Бундай қишлар учун эса агар аёл руҳни азоблайдиган фикрлар уйғонтирадиган бўлса, у жодугар деб ҳисоблаш табиий бўлган. Аёлларнинг орасида жодугарлар кўпчиликти ташкил қилиш ҳам табиий ҳол саналган. Умуман олганда, ўрта асрларда Европада аёл қиши – гуноҳлар ўчоғи ҳисобланган.

ХАЛҚ ВА ИНКВИЗИЦИЯ ХАМЖИИХАТЛИҚДА

Жодугарларнинг катта кисми испан инквизицияси гулханида ёкиб юборилган деган кенг таркалган фикрдан фаркли ўларок, бу ерда биринчи ўринларни шимолий мамлакатлар - Германия, Швейцария, Франция, Ирландия, Шотландия эгаллайди.

Дастлабки жараёнларнинг бири 1324 йил Ирландияда бўлиб ўтган. Йил бошида епископ Ричард де Ледреде леди Алиса Кайтелерни католик черковидан юз ўгиришда; жинлар ёрдамида келажакни билишга ҳаракат қилишда; «жаханнамнинг энг куйи синф вакиллари билан бўлган жин» билан алоқада ва унга ўнлаб тирик ҳўрозларни қурбон қилишда; гўёки улар ёрдамида ўзининг учта эрини ўлдирган ва энди тўрттинчисини ҳам ўлдириш ниятида бўлган холда сеҳрли қукун ва суркама мойлар тайёрлашда айблаган. Эҳтимол шу тарзда епископ аёл билан шахсий ҳисоб-китоб қилиб олишни мўлжалланган эди, аммо тарих уларнинг муносабатлари тафсилотлари ҳақида маълумот қолдирмаган. Ҳеч бир воситасиз, осонгина қўлга олиш қийин бўлган. Нуфузли Алиса Кайтелер дастлабки ҳужумларни қайтарди, лекин кейин Англияга қўчиб ўтди. Унинг ўрнига бечора хизматкори Петронилла де Митс жавоб беришга мажбур бўлди. Қийноққа солинган киз епископ эшитишни қутган гапларни - тунлари бекаси билан айш-ишрат қилиш учун бориб, аёлнинг шайтон билан бўлган алоқалари ҳақида айтганига қарамай, бу уни қутқармади. 3 ноябрь куни хизматкор аёл гулҳанда ёкиб юборилди.

Жодугарлик васвасаси маховиги аста-секин қучая бошлади. Дастлаб айри аёллар томонидан ҳар қандай мўъжизаларни намоишларга сабр-тоқатли бўлган аҳоли жуда мўътадил бўлиб, ўз ҳаётлари ва ҳатто қўшнилари билан ёкиб юборилишини катта иштиёқ билан қабул қилмади. Лекин аста-секин қоннинг ҳиди оммавий жодугарлик васвасасига олиб келди. XVI асрнинг ўрталарида қўлаб қон тўқилди ва фақат 200 йил ўтибгина йўқ бўлди. "Қатта ов" фақат аҳоли барча қатламлари томонидан жодугарлик жараёларини тўлиқ қўллаб-қувватлаш орқали амалга ошди.

Айтганча, инквизиция эътиборини бидъатчилардан жодугарларга қўчиришнинг яна бир сабаби бор. Ҳақиқатдан ҳам, диний эътиқодга қарши судлар қўпинча сиёсий судлар сифатида, яъни диссидентларни шафқатсиз қасолаш сифатида қабул қилинган. Ва бу баъзан инквизицияга қарши жуда қучли ва қонли оммавий тартибсизликларга сабабчи бўлди.

Жодугарлар билан эса ҳаммаси осон эди – уларнинг ичига қириб олган шайтон улар теккан ҳар бир нарсани қасо қиларди. Ҳаммаси яққол қўриниб турарди. Шайтонни эса ўтда ёқиш талаб қилинарди. Ҳаттоки агарда у боланинг ичига қириб олган бўлса ҳам. Икки ёшли болалар қатл этилгани ҳақида ҳолатлар ҳам маълум.

Шундай таассурот туғиладики, баъзида инквизиция шунчаки жамиятни шафтон ифлосликларидан тозалаш бўйича «режани бақарган». Масалан, 1589 йил Саксониянинг аҳолиси 10 минг киши бўлган Кведлинбург шаҳрида бир кунда 133 аёл ўтда ёқилди.

Жодугарлар ови бутун даври давомида турли баҳога қўра, 80 мингдан 100 минггача одам йўқ қилинди. Қатл қилинган орасида эҳкавлар – жодугарларнинг ёрдамчилари ҳам бор эди. Лекин бу қандан-қам учрайдиган ҳолат бўлган.

ҚОНУНЧИЛИҚ ҚАЗАСИ

Албатта, жодугарларни киргин килишда ўша пайтда тушунилан даражада конунга катъий риоя килинган эди. Суриштирув, суд жараёни ва жазоларни ижро этиш технологияси аник бўлмаган папа «булл»и асосида дунёвий жиноят конунларига янги моддалар киритилди. Улар анча аникрок эди. Ўша пайтдан бошлаб инквизиция билан дунёвий судлар ҳам жодугарликни йўқ килиш билан шугулланган. Адолат нуктаи назаридан айтиш керакки, жазолар хар хил - нафакат гулханда ёкиш ёки бошини танасидан жудо килиш, балки камок жазоси ҳам бўлган. Бундан ташкари, суд жараёнларининг тўртдан бир қисми оклов ҳукми билан якунланган.

«Катта ов»ни тизимлаштиришга 1487 йил папа Иннокентий VIII топшириги бўйича рохиб-доминиканлар Якоб Шпренгер ва Генрих Инститорис томонидан тайёрланган «Жодугарлар ва уларнинг бидъатини қудратли қилич каби йўқ қиладиган Жодугарлар босқони». Бу кенг қамровли асарда шайтонга ҳос бўлган хусусиятлар батафсил кўриб чиқилган, жодугарларни таниб олиш мумкин бўлган белгилар батафсил таҳлил килинган, сўроқ қилиш усуллари ва қийноққа солиш усуллари батафсил ёритилган.

Жодугарларни қиладиган жуда кўп зўравонликлардан бири орасида айниқса, жодугарлар эркакларни олатидан маҳрум қилиш усуллари батафсил тасвирланган. Эътиборли томони шундаки, эркакларнинг жодугарликда гумон қилинган аёлларга муносабати ўта салбий бўлган.

Қийноқ усуллари жула шафқатсиз бўлганлиги учун биз уларни кўриб чиқмаймиз. Шайтон билан алокани аниқлаш усулларига қиладиган бўлсак, уларни рохиб-бенедектинлар, жумладан, Кёльн университети декани томонидан қўллаб ўйлаб топилган. Тушунарлики, яққол аломатлар орасида «рад қилиш қийин бўлган шахвоний истаклар ила жалб қилиш» ҳам бўлган. Таҷрибадан ўтказилаётган аёлларнинг танасида махсус - "шайтон" тамгалари қидирилган. Улар қўлларига боғланган сувга ташланган - агар чўкиб қетмаган бўлса демак, демак уларга жинлар ёрдам беришади.

Рисола сатрлари орасидан унинг муаллифлари аёлларни кўрарга кўзи йўқлиги билиниб туради. Масала, улар «аёлларга ҳос бўлган хусусиятлар — йиглаш, тўқиш ва алдашбир» деб таъқидлайдилар.

САХНАГА ЁЛЛАНГАН ШАХСЛАР ЧИКАДИ

«Катта ов» даврида жодугарларга қарши қураш бобида нафакат инквизиция, балки оддий фуқаролар ҳам ташаббус кўрсатган. Иш, айтиш мумкинки, тозалашга бориб етган.

«Профессионал овчилар» пайдо бўлган, лекин улар ҳеч қандай ваколатларга эга эмасди. Уларнинг энг машҳури — инглиз. 1645 йилда у жодугарларни беҳато таниб-билиш қобилятини ҳис қилди. Ва у ўзини "жодугарлар билан уруш бошлиғи" деб эълон қилсада, ёлланма аскар бўлиб қолди. Дўсти Жон Стерн билан биргаликда у Эссексдаги шайтон малайларига қарши жангга қўшилди. Кейин у бошқа мамлакатларга ташриф буюрди. Тез орада Хопкинс шухрати бутун мамлакат микёсида қенгайди ва одамлар уни қишлоқлар ва қичик шаҳарлардаги ахлоқсизликдан тозалашга тақлиф қила бошладилар.

Хопкинслар фақат ўзига маълум бўлган билимлар асосида жодугарларни аниқларди, уларни кийноққа соларди ва ҳукм ўқирди. Мисол учун, гумон қилинган аёл ўтирган хонага хашарот кириб келса, у шайтоннинг элчиси деб эълон қилинарди.

Хопкинсда оклов ҳукмлари бўлмаган. Ўлимга маҳкум қилиш учун кўшнисининг жодугарлиги туфайли товук халок бўлган ёки болалар ич кетганлиги сабабли хабар бериш кифоя эди. Хопкинс, албатта, фанатик эди. Шу билан бирга, у ўзининг фойдасини ҳам унутмасди. Унинг фаолияти кишлок жамоалари яшовчилари томонидан саховатли тарзда ҳақ тўланарди.

Хопкинснинг ҳеч ким томонидан рухсат берилмаган фаолияти католик рухонийларнинг гашига теккан бўлсада, унга ҳеч ким тегмасди, эҳтиёткорлик билан танқид қилинарди, холос. Чунки «халқ қахрамони»га ошқора қарши чиқишга ҳеч ким жазм қилолмасди.

Конунсизлик зафарини ифодалайдиган Хопкинс, ёлғиз эмас эди. Кичикрок микёсда ҳаракат қиладиган афсунгарлар Европа тарихида кенг тарқалганди.

XVIII аср ўрталарида черков томонидан жодагуарларни таъқиб қилиш тўхтатилди. Бирок бу ишни бирданига тўхтатишнинг имкони йўқ эди. Бир мунча вақт давомида суд жараёнлари ўрнини аёлларнинг айбдорлиги газабланган оломон томонидан аниқланган судсиз жазолаш эгаллади. Бу ерда иш ўз айбига иқрор бўлиш ва ҳукм ўқишни ҳам талаб қилмасди.

Абу Муслим таржимаси